



ЖАМШИД АЛИЕВ

ЗУЛМАТ ГИРДОБИ

664
A49



Kitob shu erda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirishi shart

ilgari berilmalar miqdori

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ДИН ИШЛАРИ БҮЙЧА КЎМИТА
ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ
ИСЛОМОШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДДИҚОТ МАРКАЗИ

EB
05N
16

Жамшид Алиев

ЗУЛМАТ ГИРДОБИ

GULISTON DAVLAT PEDAGOGIKA
INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
inv № 95

«Тошкент истеҳом учиредетти»
нашиёт-матбай бирланимайи
Тошкент – 2009

10000
50000
100000
150000
200000

66.4(0)

А49

Алиев, Жамшид.

Зулмат гирдоби / Ж.Алиев; масъул мухаррир А. Очилиев;
Ўзб Вазирлар Махкамаси хузуридан Дин ишлари бўйича кўмита,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Тошкент ислом унти,
Исломшунослик илмий-тадқикот маркази. –Т.: “Тошкент ислом
университети” наприёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
-32 б.

ББК 66.4(0)

Масъул мухаррир:

А. Очилиев,

фалсафа фанлари доктори, профессор


Такризчилар:

Х. Йўлдошхўжаев, тарих фанлари номзоди
Ж. Нажмиддинов

Рисолала “Нурчиллик” харакатининг келиб чинчли, экологораси,
ташкилий-молиявий асослари ва фаолият услублари тизимили
тахлил килинган. Шунингдек, “Нурчиллик”нинг бузумчи ва
экстремистик можияти, харакатининг Марказий Осиё мингтасидаги
фаолияти билан боғлиқ масалалар анк ракамлар ва даниллар
асосида ёритилган.

Рисола кент китобхоннан оммасига мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Дин
ишлари бўйича қўнимининг 2012-сонги тавсияси билан чоп этилди.



© ЖАЛИЕВ.

© «Тошкент ислом университети»
нашриёт-магбаба бирлашмаси, 2009.

СҮЗ БОНИ

Ислом динини нижб қилиб, манфур шигарни амалга
ошираётган мутаассиб кучлар ҳали онги шакланиб
улгурмаган, таърибасиз, ёй ёиларни ўз тузозига
изленинцириб, боли-кўзини айлантириб, улардан ўзининг
поток масададири бўлида фойдаланмоқда. Бундай наожӯя
харакатлар аввало мұжабдас динчизине шатынса дөз
булиниши, охир-оқибатдан эса маънавий ҳайтинига
салбий таъсир кўрсатишни барчалиг ҷуҳур англаб
опашитиз ва шундан хулоса чиқарашиниз зарур.

Ислом Каримов

Дин кишиларни хамиша эзгулик ва бунёдкорликка
даъват килиб келган. Аммо тарих унинг таъсир кучи
ва кудратидан гаразди масададарда фойдаланишга
харакат килган кучлар хам барча даврларда бўлганидан
гувоҳлик беради. Бугунги кунда хам ана шундай
кучлар инсон камолоти ва жамият тараққиётига хизмат
килиши керак бўлган диний таълимот ва ғояларнинг энг
нозик жиҳатларини гараз ниятида талкин қилиб, низо ва
адоват ургуни сочёттани, жамиятда парокандалик ва
мозароларни келтириб чиқараёттани реал воқеилик бўлиб
колмоқда. Уларнинг кўпчилиги ислом байробги остида
фаолият кўрсатагеттанини афсус билан кайд этиш лозим.
Бу, бир томондан, мұқаддас ислом динини турли хил
гаразди хуруж ва ҳамсалардан, тұхмат ва бўлтондардан
химоя килиш, иккинчи томондан, унинг эзгуликка



ISBN 978-9943-306-85-1

йүүрүлтгөн гояларини бузайтган диний-экстремистик харакатларнинг асл мөхиятини көнг жамоатчиликка, энг аввало унисб-үсүб келаётган ёш авлодга түгри ва чукур түшүнтириш, уларда бундай тажовузларга калкон бўладиган иммунитетни шаклантириш хамон долзарб вазифа бўлиб колаётганини кўрсатади.

Ана шу вазифаларни ҳал қилиши доирасида Тошкент ислом университети копидаги Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази томонидан ҳам муйян ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, минтакамизда харакат олиб боришига интилаётган диний-экстремистик ташкилотларнинг мөхияти, келиб чикиш тарихи, гаразли максадлари, фаолият услубларини тизимли ва тадрижий ёритиш максадида “Жаҳолагга карши мәърифаг” туркумидаги илмий-оммабол рисолаларни чол этиш режалаштирилган.

Китобхонлар диккатига хавола этилаётган ушбу туркумдаги илк рисолада “Нурчилик” харакатининг келиб чикиши, эволюцияси, ташкилий-молиявий асослари, фаолият услублари, ғайриисломий ва экстремистик мөхияти аниқ ракамлар ва далиллар асосида тизимли тахлил килинган. Бу бежиз эмас, албатта. Зоро, “Нурчилик” ўзининг асл киёфасини илм, мәърифаг ва ёшлар тарбияси билан никоблашга, маърифий ислюмомга хос юксак ғоя ва амалиёт шакслари ортига яширишига интилмоқда. Аммо ўрганиши фаолиятини катъий конспиратив тамоийлар асосида ташкил этган ушбу харакат ўз мохиятига кўра ислом асосларини бузайтганини, ичкаридан туриб кўпорувчилик килаётганини кўрсатмоқда.

Табиагда асосий хоссаси ўз атрофидағи барча нарсаларни абадулабад зулмат қаърига гарк этишдан иборат бўлган “кора туйнук”лар борлигини яхши биламиз. “Нурчилик” ҳам кора туйнук каби уларнинг асл максад-муддаоларидан бехабар, дин хакидаги билимлари саёз бўлган, гўр ёшларни зулмат гирдобига тортишга харакат кильмоқда. Бундай жаҳолатга факат мәърифат билан курашиб мумкин. Шу нутқдан назардан караганда, ушбу рисола ёшларимизни оқу қорани ажратга оладиган зуқко, сергак ва огоҳ бўлишларида муайян манба бўлиб хизмат келишига умид киламиз.

Рисоланинг яратилишида ўзларининг маслаҳатлари, амалий тақиғ-тавсиялари билан ҳар томонлама ёрдам берган У.Кўшасев, Ҳ.Йўлдошхўжаев, Ж.Нажмиддинов ҳамда бошка олим ва мутахассисларга ўзимизнинг самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Абдувоҳил ОЧИЛДИЕВ,
Истоизшунослик илмий-тадқиқот маркази директори,
фалсафа фаннлари доцтори, профессор



“НУРЧИЛИК” ХАРАКАТИНИҢ КЕЛИБ ЧИКИШІ ВА ЭВОЛЮЦИЯСЫ

“Нурчилик” диний-экстремистик харакатыга Туркияннің Битліс вилойтидеги Нурса кишлоғида түфілган, фаолияттінгіт илк даврлардан оң диний мутасасибілікка ва кескін фікірдашта майдиллігіні намойиштің эттән Саид Нұрсий (1876–1960) томонидан асос солинган.

Бириңчы жағон уруши даврида ўзининг кам сонли издошлари билан Кавказ фронтидаги жаңгларда катнашған С.Нұрсий асирга тушиб, Сибирда 2 йилу 4 ой хибесда бўлди. 1918 йилда у асирикдан кутулиб, Туркияга кайтишдан олдин Германия, Венгрия ва Болгарияда бўлиб, Болкон мусулмонлари ва уруш сабабли Европага келиб колган турклар орасида тарафдорларини кўпайтиришга харакат килди.

1922 йилда Усмонлилар хокимліги, 1924 йилда эса султонникнинг бекор килиниши ва Туркия Республикасининг ташқил топшыши шариятта асосланган бошқарувни ўрнатиши тарафдори бўлган С.Нұрсий хаётида хам ўзғарышларни келтириб чиқарди. Тарькиб килина бошлангач, у маҳфий жамоалар тузиб ўз давлатларини давом эттириш йўлига ўти. Шундан сўнг хукумат томонидан тоғ ўрох бу шахарга сурғун килиниб, бир неча бор “Туркия Конституциясига таҳдиди ва шариятта асосланган давлат тузишни ўюнтиришда” айбланиб, судланди ва 23 йил умрини камоқда ўтказди. Айнан шу даврда у ўзига Бадиуза мон (аррабча – замонанинг зўри, беназир) лақабини олиб, Куръони карим оятларининг шархлари ва диний

кўрсатмалардан иборат “Рисолаи Нур” куллиётини ёзиб тутатди. “Нурчилик” хукумат томонидан тарькиб килинганин учун асар 1954 йилгача бирор бир нашриётда чөп этилмай, харакат фАОЛЛАРИ томонидан кўлда кўчирилиб, халқ орасида маҳфий тарқатилди.

С.Нұрсий шогирдларига: “Сиёсатдан Дажжолдан кочгандек, кочинглар”, – деб тарькилласа-да, ўзи доимий равишда сиёсатга аралашишга харакат қиласар эди. У бутун умри давомида, даставтал султон Абдулхамид II сиёсатини танқид килгани, кейинчалик М.К.Отатурк ва Унинг фаолияттіни коралагани учун хукумат томонидан тарькиб килинди.

1960 йил 23 марта вафот эттән С.Нұрсий Урфа шахрида дағи этилди. Аммо унинг кабри зиёраттоҳга айланиб, “Нурчилик”нинг янада кучайиб кетишидан хавфсираған расмийлар тўрг тойдан сўнг унинг кабрини очиб, хокини номалум манзилга олиб бориб кўмдилар. Шу сабабли хозиргача унинг кўмиллган жойи маъдум эмас.

С.Нұрсий вафотидан сўнг харакат таркибида унинг шогирдлари номи билан агаладиган турли тармоклар вужудга келди. Уларнинг ичидә Фатхулла Гюлен, Мустафо Сунтур ва Мехмет Куттулар раҳнамолигидаги тармоклар нисбатан кечт таркалди. Улар Туркия шахарларидага таълимотнинг асосий манбаси – “Рисолаи Нур”га асосланган дастилбки ўқув курсларини очишига муваффак бўлишиди.

Шу билан бирга, шогирдлар томонидан шакллантирилган тармоклар харакат фаолият доирасини кескін көнгайтирганини хам тарькиллаш

зарур. Хусусан, ўзининг иерархик тузилмаси, каттиқ ингизоми, маҳфий низомга эгалити билан ажралиб турадиган М.Сунгур бошчилигидаги тармок оммавий ахборот воситалари ва банк тузилмаларини шакллантиришини асосий стратегия килиб белгилаган холда фаолият олиб бормоқда. Мехмет Кутлулар бошчилигидаги “Йени асчилар” (Янги осиёйчилар) тармоги эса, асосан Туркиядан ташкарида фаолият олиб боришига ихтисослашиб, 1971 йилдан бошлаб “Йени Ася” кунлик ва “Кёпрю” ойлик нашрларини чоп этиб радиостанциясига хам эгалик килиб келмоқда.

1990 йилда Мехмет Биринчи раҳбарлигига шаклланган “Йени несил” тармоғи учун эса нурчилликка оид адабиётларни нашр килиш устувор йўналиш хисобланади. Ушбу тармок “Морал FM” радиостанциясига хам эгалик килиб келмоқда. Юкоридагилардан ташкари даврий напрларни чоп этиш билан шуғулланувчи Мехмет Киркинчининг “Шура” (Мажлис), Сиддик Дурсуннинг “Мед Зехра”, Мусслим Гундузнинг “Ажзи Менди”, Сайид Нурий Эртуркнинг “Язик” тармоклари хам мавжуд. “Нурчилик”нинг тармокларга бўлиншиб келини С.Нурсий мероси ва ғоянрига турнича ёндашувнинг оқибати эди. Айни пайтда, бу ҳар бир тармоснинг мальум бир соҳага ихтисослашувини хам келтириб чиқарди. Шу нуткази назардан караганда, тасодифийдек туюлган тармоклашув орицида характер фаолияти ва таъсир доирасини кенгайтириш стратегияси ёғанини англаш муумкин.

“Нурчилик”нинг нисбатан кенг тармок отишни хакида

харакат ғоялари ва фаолиятига Туркия жамиятининг ўзида зиддияти муносабатда бўлиб келинаётганини кайд этиш лозим. Хусусан, 1876–1909-йилларда хукмронлик килган Абдулҳамид II С.Нурсий ғояларида ўз сиёсатига нисбатан норозилик қайфиятини сезгани учун унинг университет очиш хакидаги лойихасини рад этган эди.

1909–1918-йилларда мамлакатни бошқарган Решат Мехмет V эса Болқон минтакаси мусудмонларида Турк султонлигига нисбатан илик муносабат уйғотиш массадидা С.Нурсийни ушбу худуднинг имом хатиби килиб тайинлаган эди.

М.К.Отатурк раҳбарлиги даврида эса бошқа

мутаассиб диний жамоалар каби нурчилар фаолияти хам таъкиб остига олинди. Аммо 1950-йилларнинг бошита келиб хукумат томонидан С.Нурсий меросини тикилаш бўйича карор кабул килинди, асрарлари турили тилларга таржима килиниб, нашр этилди ва харакат фаолияти конунийлаштирилди.

Ўтган асрнинг 70-йилларида “Нурчилик” ка

муносабат яна ўзгарди. Хусусан, С.Нурсийнинг

асарлари асосидаги давлатлари учун бир неча бор

расмийлар томонидан огоҳлантирилган Ф.Гюлен 1971

йилда “Туркияда шариатга асосланган давлат куришга

кардигитлган “Нурчилик” харакати етакчиси” сифатида

ва “Туркия Республикасининг биринчи президенти

М.К.Отатуркка нисбатан ёш авлода нафраг уйғотиш” да

айбланиб, уч йилга озодликдан маҳрум этилиб, жазо

муддатини ўтаб чиқди.

1980-йилларда “Нурчилик”ни таъкиб килиш янада кучайди. Туркия полицияси кидиривуда бўлган

жиноятчилар рүйхатига киритилгандан Ф.Гюлен 1986 йилда хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан күлгө олиниди. Аммо киска муддатни терговдан сүнт яна озод килинди.

1997 йилда кабул килингандан “Дунёвий кийиниш” ва исломий митингларда иштирок этиш кодексининг бузилиши буйича жавобтарликини кучайтириш түррисида”ги карорга асосан бир катар ислом ташкилотлари таркатыб юборилди. 1999 йилга келиб Туркия конституцияйый түзүмдига карши ташкилот сифатида “Нурчилик” харакати фаолияти хам тақицланды. Харбий соҳада олиб борилган кадрлар ислоҳоти давомида 170 дан ортик юкори мартабалли офицерлар “Нурчилик” харакати аъзоси сифатида хизматдан бўшатилди. Шу йили даволанишини баҳона килиб, Ф.Гюлен АҚШга кочиб кегди.

2006 йил майдагача Конституциясига киритилгандан ўзгартишларга асосан амалдаги конунчиликда факат Туркияда рўйхатдан ўтган ва конунбузарликка йўл кўйган диний ташкилотга нисбатан чора кўриши мумкинлиги белгилаб кўйилди. Бу хеч каерда рўйхатдан ўтмай иш олиб борган “Нурчилик” фаолиятининг муайян даражада эркинлашувига йўл очди. Аммо шунга карамасдан, Туркия прокуратураси Ф.Гюленнинг апелляцияларини жавобсиз колдириб келмоқда, Олий суд томонидан 10 йилга озодликдан маҳрум килиш хакида сиртдан чикарилган хукм хам ўз кучини саклаб қолмоқда.

Юкорида қайд этилган далиллар ва мулоҳазалар Туркияда дунёвий тараккӣёт йўлидан боришини

истайдиган хамда теократия тарафдорлари бўлган сиёсий кучларнинг навбатма-навбат хокимият тепасига келишининг инъикоси сифатида “Нурчилик”ка муносабат зиддияти бўлиб келаётганини кўрсатади. Оқибатда нурчилар Туркиядада ўз мавкеи ва таъсирини аста-секин бўлса-да, опириб бормоқда. Ф.Гюлен адвокатларининг “Агар Ф.Гюлен очган лицей битирувчиларини хибсга олиш керак бўлса, унда уни 1960–1970-йилларда битирғанларни хибсга олиш керак. Чунки ўша пайтда Ф.Гюленнинг хакикатан бунга алоқаси бор эди, хозир эса, у АҚШда, лекин ўша битирувчилар ўзингиз бўлиб чиқасиз”, деган сўзлари хам бутунгич кунда нурчилар Туркиядада эришган натижаларнинг кўламини тасаввур килиш имконини беради.

“Нурчилик”нинг Туркиядан ташкарида таркалиши хакида гап кетар экан, бунда харакат томонидан эълон килинган стратегиянинг ўзига хос ўрни борлигини таъкидлаш зарур.

Нурчилар стратегиясида Кавказ, Болкон ва Марказий Осиё минтақаси алоҳида ўрин тутади. Ф.Гюлен фикрича, харакатнинг бу худудларда устувор мавкега эришиши Усмонлилар давридаги каби “Буюк Турон” тиклаништага ҳизмат килар эмис. Ана шундай стратегик максадларни кўзлаган ва Ф.Гюленнинг “Ахборот технологиялари тараккӣ этгандан сўнг олам бир кишлопкка айланган ва унда очик сийёсат олиб бориш лозим”, – деган кўрсатмаларига риоя килган нурчилар тил, дин ва маъданнитлар бирлигини хамда замонавий фикрлайдиган кадрлар тайёрланида ёрдам беришни

иддаа килган холда, Марказий Осиё давлатларида хам пайдо бўлди. Натижада, минтакада “Нурчилик” харакатнинг “Силм” тармоғи муассислик килган, моддий-техник таъминоти “Осиё финанс” ташкилоти томонидан молиялаштирилган 128 та лицей очилди. Лицейдаги тальим жараёнида янги педагогик ва психологияк технологиялар хамда методлардан самарали фойдаланган холда машгулотлар олиб борилгани уларнинг довруги таркалишига ва ахоли томонидан ижобий кабул килинишига замин яратди.

Минтака давлатлари телевидениеларига бегараз дея тақдим этилган диний мазмундаги фильм ва турий йўллар билан кент таркалган китоблар ёрдамида хам “Нурчилик” фояларини ёйиш ишлари олиб борилди. Бизга кўшини бўлган айрим давлатларда бундай амалиёт букунги кунда хам давом этмоқда.

Туркиянинг ичидаги “Нурчилик” тарафдорлари билан тўқнашишни истамайдиган, хатто ушбу харакатнинг ашаддий душманни бўлган сиёсий кучлар хам уларнинг бу йўлда олиб бораётган амалий харакатларини кўллаб-кувватлаётганини тарькидлаш зарур.

Нурчиларнинг Россия, Хитой, Ирок, Эрон ва Афғонистоннинг батзи худудларда олиб бораётган харакатлари эса Фарбнинг бу минтакадаги геосиёсий курашдан кўзлаётган максадларига хам мос келади. Зоро, етакчи Farb давлатлари изоратига тушшиб колган “Нурчилик” харакати ғояларининг бу давлатларда яшайдиган туркӣ халқлар орасида таркалиши ушбу худудларни тасисир доирасига киритишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат килиши мумкин.

Хар йили Европа Иттифоқи, АҚШ, Буюк Британия каби мамлакатларда харакатнинг фаолиятига доир анжумандлар ўтказилиб келинаётгани ва Ф.Гюлен раҳбардигидаги нурчилар Farbda катта кўмакка эга бўлаётгани хам ушбу мулоҳазаларнинг ўринини эканини кўрсатади.

Умуман олганда, юкорида кайд этилган омиллар тасисирида харакатнинг тасисир доираси кенгайиб бораётганини кайд этиш лозим. Ҳозирги вактда “Нурчилик” харакати 94 давлатда фаолият олиб бораётгани, биргина Туркияда уларнинг тарафдорлари сони 5 миллионга сттани хам шундай хулоса чиқариши имконини беради.

ХАРАКАТНИНГ ТАШКИЛ-МОЛИЯВИЙ АСОСЛАРИ ВА ФЛОЛИЯТ УСЛУБЛАРИ

Үз төяларини тарғиб килиш, гарразли ниятларни амалга ошириша нурчилар энг самарали йүл сифатида таълим соҳасига алоҳида этибор берил келмоқдалар. Бу харакат томонидан ўз тузокларига асосан ёшларни илинтириш ва шу йўл билан фаолият олиб бораётган мамлакатларининг истикболига эгалик килишдек массад кўзланаётганини кўрсатади.

Туркияда “Нурчилик” хомийлигига 103 та лицей, 460 та ўқув қурси ва 500 га якин ёткозоналар ташкил этилган. Германия, Швейцария, Нидерландия, Якин Шарқ ва Африкада кўплаб мактаб ва лицейлар фаолият кўрсатмоқда. 1990-йиллар бошлиарида туркийзабон халклар яшайдиган Кавказорти давлатлари ва Россияда пайдо бўлган нурчилар томонидан 370 дан ортик лицей очилди. Мазкур ракамлар хам улар ўз гояларини тарғиб килишда аниқ амалий натижаларини кўрсатади. Умуман олганда, 87 мамлакатда ташкил этилган ўқув даргоҳлари учун йилига миллиардлаб доллар ажратилётгани эса бу йўлда маблағ хеч айлмай сарфланаданидан далолат беради.

“Нурчилик” фояларини тарғиб килишда оммавий ахборот воситалари хам муҳим бўғин хисобланади. Харакат муассисасигида “Саман Йолу ТВ”, “АТВ”, “24 СААТ”, “Канал 7”, “Mehtab”, “TGRT” телеканаллари, “Бурж FM” радиостанцияси, “Хакикат Китаб ЭВИ” нашриёт мажмуаси, “Заман” медиахолдинги ва шу

номдаги газета, “Бизим аила”, “Вакит”, “Йени умит”, “Йени шафак”, “Фонтан”, “Сизинти” (“Сизог”), “Стар”, “Сур”, “Тэреф”, “Турклар” ва “Нур” каби газеталар ташкил этилгани эса бу масалага нечоғлик катта этибор бериладиганини кўрсатади.

Харакатнинг молиявий асослари ва имкониятлари хакида гап кетар экан, нурчилар ва уларнинг тарафдорлари кўлида 1980-йиллардаёк йирик маблағлар жамланганини кайд этиш лозим. Мальумотларга кўра, хозирги вактда Ф.Гюленнинг ўзи 6-8 миллиард, харакат эса 80 миллиард долларга эгалик килмоқда.

Харакат нурчилар таълимотига эргашган, хайриоҳлик билан кәрайдиган турк тадбиркорлари томонидан моддий жиҳатдан кўллаб келинмокда. Аммо харакатнинг ўзи томонидан ташкил этилган турли хил фирма, банк ва холдинглардан тушадиган маблағлар унинг моддий-молиявий кудрати ошиб боришига замин яратадиганини алоҳида кайд этиш лозим. Мальумотларга кўра, умуман олганда, нурчилар киритган “ислом капитали” Туркия иктисолидётининг 30 фоизини ташкил килади.

Легал ишлабётган таълим мусассасалари, оммавий ахборот воситалари билан бир категорда гурухларга бирлашиш ва маҳфий фаолият олиб бориш нурчиларнинг асосий стратегик усуларидан хисобланади.

Харакат тузилмасида хавфсизлик хизматининг мавжудлиги, аъзоликка номзодларнинг махсус

символардан ўтказилиши, улар хакида мәлumatлар захирасининг йигилиб борилиши, ташкилотга мансубликни сир сакдашнинг кагтик талаб этилиши эса фош бўлиб колиши имкониятини камайтиради.

Бутунги кунда харакат ғояларига содикликнинг белгиси сифатида ҳамда аъзоларнинг бутун куч-кудрати ва салоҳиятини “Нурчилик”нинг стратегик максадларини ҳал қилишга сафарбар этиш учун Ф.Голен ўз издошларини 50 ёшгача уйланмасликка чакириб келаётганини ҳам таъкидлаш зарур.

Хар бир мамлакат худудини муайян қисмларга бўлиб олиш оркали харакат ғояларини ёйишга интилиш ва бунда ташкил этилган турли фонд ва фирмалардан восита сифатида фойдаланиш ҳам ўз самарасини беряётганини қайд этиш лозим. Мәлумотларга кўра, нурчиларга тегишли деб билинаётган “Серхат” фирмаси Россиянинг Башкирдистон, Татаристон, Астрахань, Свердловск, Оренбург ва Челябинск, “Уфук” фонди Новосибирск, “Толеранс” фондси – Москва, Санкт-Петербург ва Ростов каби худудларида, “Чаг”, “Эртугрул гази”, “Тюрк дюняси”, “Эфляк” ва “Торос” каби ташкилотлар эса шимолий Кавказда фаолият юритаётгани ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Харакатнинг мутасаддилари томонидан бундай минтақавий фаолият шаклини доимий тарзда кузатиб, назорат килиб бориш ҳам йўлга кўйилган. Текширув асносида бевосита таргигбот ва ташвикот

ишларини олип бориш билан бирга ҳаммаслақларга диний кўрсатмалар, йўл-йўриклар бериш, ғоявий издошлар сафини кенгайтириш йўлидаги харакатларни мувофиқлаштириш, махаллий ҳукумат ва бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоказаларини ўрнатишга ҳам алохида эътибор берилади.

Шу билан бирга, худудлардаги ижтимоий-сиёсий ва иктисолий вазият хакидаги мальумотлар тўпланиб, тахлил килинади ва шундан келиб чиқиб, харакат стратегиясига зарур ўзгартишлар киритилади.

Таълим соҳасига алохида эътибор берадиган нурчилар мазкур йўналишида ҳам ўзига хос услугбий тизим яратганилукларини алохида тавқидлаш зарур. Хусусан, ўкувчиларга турк маданиятига нисбатан тарафдорлик, истомий кадриятлар ва мусулмонлар бирдамлигини англаш туйуси фаол тарзда сингдириб борилади. Бу жараёнда лицей тарбияланувчилари, уларнинг яқинлари ва кариндошларининг мальнавий-аҳлоқий ва шахсий сифатларини ўрганишга, ўзаро шахсий муносабатлар ўрнатишга алохида эътибор берилади.

Тўпланган мальумотлар хар бир лицей ўкувчисининг кизикишлари, ўзлаштириш кобилияти, ўқишидаги мұваффакиятлари, ахлоқий-психологик хусусиятлари, ислом ва Тўркияга нисбатан муносабатининг тадрижий ривожланиб бориши билан бирга маҳсус кайд килиб борилади.

Шу йүл билан келажақда “Нұрчилар”нинг фаол альоси бўлиши мумкин бўлган ёшлар сараланди. Бунда худуддаги обрўли ва зиёли оиласарниң фарзандарини танлаб олишга ҳам алоҳида эътибор берилади, буни ҳам харакатниң ўз тасир доирасини көнгайтириш йўлида кўллайдиган услубий тизимининг узвий ҳалкаси сифатида караш зарур.

Ўрганиш бундай саралашдан муваффакиятли ўтган ўқувчилар хомий ташкилотлар томонидан моддий кўллаб-кувватланиши, уларга Туркияда ўкиш имконияти берилиши ва мамлакатга келган талаба ўша захотиёқ 5–6 нафар талаба яшайдиган бир уйга жойлаштирилиб, маҳсус “имом”га биринчилишини кўрсатади. Шу босқичдан бошлаб талабалар “имом”нинг мунтазам ғоявий босими остида яшаб, тайёргарликдан ўтадилар ва бу жараён харакат раҳбарлари томонидан турли синовлар шаклида назорат килиб борилади. Бундай шаклда “тарбия” кўрган, берилган кўрсатмаларга каттый бўйсунишга ўрратилган талабалар харакатнинг фаол азоларига айланадилар.

“НУРЧИЛИК”НИНГ АСЛ МОХИЯТИ

“Нурчилик” жаракати ўзини исломий йўналишдаги ташкилот, деб хисобласа-да, аслида динимизга мутлако зид бўлган, уният асосларини бузишга каратиган ғояларни тарғиб килиб келаётганини таъкидлаш зарур. Хусусан, С.Нурсий фикрича, “Илм учун “Рисолаи Нур”ни ўқиш ва кўчирib ёзиш киоя, бошка ҳеч нарса керак эмас”. Ушбу сўзлардан “Рисолаи Нур”дан бошқа барча манбалар дин ва эътиқоднинг асоси сифатида инкор этилаётганини англаш мумкин. Бундай ёндашув “Сизгине ичинизданда шеки нарсанни қолдирдим. Агар уларни маҳкам түтсансиз, ҳеч адаси майсиз. Булар – Аллоҳининг китоби ва Менинг суннатимидир”, – деган ҳадисдаги кўрсатмаларга бутунлай зиддир.

Харакат раҳнамосининг бундай ғоялари ортида ўз тарафдорларини исломининг асосий манбаларидан узоклаштириш ва шу йўл билан ўзининг гайриисломий ғояларини сингдиришдек гарзли максад ётганини англаш кийин эмас.

С.Нурсийнинг издоши Ф.Гюлен ҳам ўз устозидан колипмасликка ҳаракат килмокда. Буни унинг ўзини “Ақтабу-л-кутб”, яъни “Кутбларниң кутби”, деб эълон килгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Тасаввufда “Кутб” атамасининг кимларга нисбатан ишлатилиши масаласида турлича ёндашувлар бўлса-да, кўпчилик уламолар уни ёнг буюқ авлиёларга нисбатан гина ишлатиши мумкин, деб хисоблайдилар. Авлиёлар эса, ўз навбатида, мартабаси жихатидан, авлиёлигини ўзи ҳам, одамлар ҳам биладиганлар (куйи даража), авлиёлигини ўзи билмайдиган, одамлар биладиганлар (ўрта даража),

авлиёлигини ўзи ҳам, одамлар ҳам билмайдынлар (олий даражада) каби тоифаларға бўлинади.

Тарькилдаш жоизки, факат Учинчи тоифа авлиёлар кутблар хисобланади. Бу ўзини бутун дунёга “Кутбларнинг кутбиман”, деган кўрсаётган Ф.Гюленнинг риёкорлигини кўрсатади.

Ф.Гюлен ўз шахсини мұқаддаслаштириш ва одий одамлар онганин чалғитиши йўлида бу билан ҳам чекланиб колмаганини алоҳида тарькилдаш зарур. Мальумки, истомда Қиёматтага якын инсонларни яхшиликка чорловчи, уларни ятона ҳак дин байрги остида бирлаштирувчи “Махдий” (арабча – тўғри йўл кўрсаётувчи) ва шайтон билан алоказада бўлган холда одамларни тури соҳта мўъжизалари билан йўлдан оздирib, күфрга етакчовчи “Дажжол” (арабча – фирибгар, алдамчи) ўргасида юзага келадиган куаш хакидаги таълимот мавжуд. Саҳих хадисларда Дажжолнинг каерда пайдо бўлиши ва қандай кўринишга эга бўлиши аниқ баён килинган. Суннитлик акидасига кўра, Аллоҳ томонидан танланган зот – Махдийнинг қаочон ва каерда пайдо бўлишини Яратгандан бошқа хеч ким билмайди.

Ушбу ўзгармас тамойилларни менсимаган харакат етакчиси замонавий турк давлатчилиги асосчиси М.К.Отатуркни Дажжол, ўзини эса Махдий, деб эълон килишдан ҳам тап тортмади. Бу сохта ва маккорона даввога одамларни ишонтириш максадида 1941 йилда таваллуд топган нурчилар раҳнамоси ўзининг түғилган йилини 1938 йил, деб эълон килди. Бу гўёки, Ф.Гюленнинг туғилиши М.К.Отатурк, яъни

Дажжолнинг ўлимига сабаб бўлгани ва унинг Махдий эканининг исботи бўла олар эмиш.

Айни пайтда, Ф.Гюлен “Максадга эришинш йўлида ҳар қандай ёлғон ва хийла ишлатиш мумкин, то кудратли бўлмагунча, “маънавий жиҳод” орқали харакат килиш лозим”, деган кўрсатмаларни ҳам бермоқладаки, бундай ўзбошимчалик билан берилган “фатволар” ҳам истомининг асл моҳиятига мутлако зиддир. Зоро, Қуръонда “Аллоҳ номидан ёлғон тўқиб, тилларингизга келган ёлғонни гапириб: “Бу ҳалол, бу ҳаром” дезвермангиз! Чунки Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиийдиган кимсалар сира наэжот топмагайлар” (“Нахї” сураси, 116, 117-оятлар), деб очик-ойдин баён этилган.

Нурчиларнинг етакчилари ўз қарашлари, ғоялари ва кўрсатмалари билан истом асосларини бузиш йўлида тизимли иш олиб бормоқдалар. Бунга Ф.Гюленнинг Туркияда чоپ этиладиган газеталардан биррида келтирилган “Жаҳаннам эшигини кўлларим билан тўсиб, менга эргашганларнинг хеч бири унга тушмаслигига вайда бераман”, деган фикрлари ҳам мисол бўла олади.

Мальумки, Қуръони каримда “Барча шафоат (окзлов) фақат Аллоҳни кидир” (“Зумар” сураси, 44-оят) хамда “Унинг изнисиз бўйор шафоат қулиучи бўлмас” (“Юнус” сураси, 3-оят), деган кўрсатмалар очик-ойдин баён этилган.

Истом таълимотига биноан шафоат (арабча – химоя килиш, далолат килиш) Киёмат куни Аллоҳ пайғамбарларга ва ўзи танлаган инсонларга берадиган

максус имтиёз хисобланади. Факат Қиёмат күни Аллох изн берган ана шундай кишиларгина айрим гунохкор мусулмонларнинг гунохлари көчирлишини сүраш хукукига ега бўладилар. Бу хакда Куръони каримнинг “Маръям” сурасининг 87-оятида “(У кунда) факат Раҳмон наздида аҳд (изн) олган кишиларгина (гунохкор мўжилиларни) шафоат қилинага эга бўлурлар” – дейилади.

Юқоридаги мулоҳазалар бу дунёда хеч кимнинг шафоатчиликни давво килишга хакки йўклигини кўрсатади. Шу билан бирга, улардан Ф.Гюлен кандай юксак макомни истаб қолганини хам англаш кийин эмас.

Нурчилар Ватан тушунчасини хам бутунлай инкор этадилар. Хусусан, Ф.Гюлен фикрича, “Бутун Ер юзи Аллохнинг мулки, уни бу меники, бу сеники, деб бўлиб олишга хеч кимнинг хакки йўк”.

Матлумки, кўпгина диний-экстремистик харакатлар “Ислом географик бўлинишларни тан олмайди”, “Фикр саёзлашиб борган сари одамлар ўргасида Ватан, ватантарварлик каби тушунчалар пайдо бўла бошлиди”, деган турли нотгўри гояларни тарғиб киладилар. Нурчиларнинг Ватан тушунчасининг инкор этиши эса уларнинг ўзаро хам маслак эканини кўрсатади. Демак, Ватан тушунчасини инкор этиш, исломга эмас, балки динни байрок килиб олган экстремистик харакатларга, уларнинг раҳнамолари карашларига хос хусусиятдир. Зеро, тарихга назар ташшар эканмиз, ислом динитаркалган худудлар вилоят, амирилик, ўлкаларга бўлинганинг гувоҳи бўламиз. Пайтамбаримиз хаётник давририда хам шундай бўлган.

Хулафои рошидин Умар ибн Хаттоб эса мусулмон ўлкаларини вилятларга бўлиш бўйича ислохотларни амалга оширган эди. Миннега саҳобалар бу тадбирга гувоҳ бўлишган, лекин улардан хеч бири уни Куръон ва Пайтамбарнинг суннатига тўри келмаслигини айтмаган. Бу эса амалга оширилган тадбирнинг шариатга мувофиқлигидан далолат киласи.

Ислом маданияти ривожига бекиёс хисса қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Лайс Самарқандий, Бурхониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий, Каффол Шоший каби буюқ мутафаккирларимиз ўзларининг тахаллусларини киндик конлари тўқиган юрт номи билан боғлагандар. Мазкур мисол хам мукаддас динимизда Ватанга бўлган муносабатнинг, инсон ўз Ватанига кандай эхтиром билан караши лозимлигининг ёрқин намунаси бўла олади.

Халқимизда “Ватанини севмок имондандир”, дейиши бежиз эмас. Демак, инсон ўзи туғилиб ўсган юрги, ёр-дўстлари ва яқинлари билан боғловчи Ватанини севиш, уни ардоклаш имон даражасига кўтаришмокда. Ватанини химоялаш исломда фарзи айн – эркак ва аёлларга тенг бажариш зарур бўлган амал даражасига кўтаришлани хам унинг нечоғлик улуғ ва мукаддаслигидан далолат беради. Модомики шундай экан, унга муҳаббат кўйиш, унинг раввики йўлида кучгайрат сарфлаш барча килиши лозим бўлган вожиб амалдир.

Шундай экан, юқоридаги фикрлар ислом асосларига зид бўлиш билан бир каторда кишиларда Ваган, ватантарварлик туйгусини сўндириш ва уларни

факат Ф.Гюленгә итоаткорлик рухида тарбиялашға каратилғанини кайд этилшілдік.

С.Нұрсий томонидан яратылған ва харакат таяндыған “Рисолан Нұр” китоби асосида ишлаб чиққылған махфий низомда кайд этилған “Ла илаха иллалох, Мұхаммадун расулуллох” калимасыннан “Ла илаха иллалох...” кисменинғина айтиш жаңнатта кириш үчүн кифоя килауды, – деган фикрлар эса нұрчиларнинг ислом асосларини бузиша кай даражага еттәнникларнинг ёркін мисоли бўла олади.

Ушбу караш Куръоидан кейинги иккинчи манба – Сунна (хадис)ни очикдан-очик инкор этишини англаш кийин эмас. Имоннинг кало ва тил билан тасдиқлаш зарур бўлған етти шартидан бирортасини инкор қилған киши мусулмон хисобланмаслигини инобатга оладиган бўлсан, юкоридаги ёндашувининг асл моҳияти ойдинлашади. Бунга Куръони каримнинг “Бакара” сурасининг 285-оятидаги мўминларнинг “Аллоҳга, фаршиштапларига, китобларига ва пайгамбарларига бирортасини ажратмасдан (хаммасига)...” имон келтирishi зарурлиги хамда “Нисо” сурасининг 150, 151-оятиларидаги “...Аллоҳ билан пайгамбарлари ўртасини үзүнни хоҳловчилар, бирига шионамиз, бирига шионмаймиз, деб ўртаса ийл тутубчилар...”, “ана ўидалар ҳақиқий коғирлар”, деган кўрсатмалар далил бўла олади.

Юкорида кайд этилған, тахлил килинган фикрлар “Нұрчиллик” харакатининг ислом асосларини бузиш йўлида тизимли ва тадрижий фаолият олиб бораётганини кўрсатса, унинг экстремистик можиҳити

нафакат унинг ғояларида, балки гаразли максадлар йўлида террорчи ва экстремистик ташкилотлар билан ўрнаттган алоказаларида хам кўринади. Жумладан, айрим хорижий тахлилчилар мальумотларига кўра, нурчилар “Бизнинг конимиз тўкилса-да, ислом шарафи юксалсин!” деган шиорга амал киладиган, “Кулранг бўрилар” (“Туркия миддий харакати жангари ёшлар жамоаси ташкилоти”, 1965 йилдан “Миллий харакат партияси”) билан мустахкам алоказалар ўрнаттан.

Мамлакатда парокандаликни келтириб чиқариш максадида “беманзил” террорчиллик амалиётларини уюштириб, автобус, шахар транспорт бекатлари, кафе, ресторон ва жамоат жойларида порглашшар содир этган, кўплаб сиёсатчи, олим ва журналистлар хаётига зомин бўлган “Кулранг бўрилар” бутунги кунда хам жаҳон бўйича 37 та харбий лагерга эталик килиб келмоқда.

1970 йилда асос солинган, Туркияни исломлаштириш ғоясини илгари сурадиган “Милли Гюруш” (Миллий караш) харакати етакчиларидан Угусхан Аслтуркнинг “Жиҳодни тарқ этган жамоа залолатга тушар, биз эса шу залолатда колдик, яна кайта иззат топишимиш учун барчамиз биргаликда жиҳод килишимиз керак. Аллоҳнинг амри шудир. Бадиузвазон ҳазратлари барчамизният устозимиз ва уни энг буюк миллатпарвар сифатида тан олишимиз керак”, деган сўзлари эса С.Нұрсий ғояларининг бошқа ташкилотлар учун хам харакат дастурига айланаттанини кўрсатади.

“Булоқ Шарқ ислом фронти” “жиходчи” ташкилоти раҳбари Солих Мирзабек углунинг “Шуни аник айта оламанки, бутун бизнинг фронтимиз С.Нұрсий

хазратларининг орзулари рүёбидир”, деган сўзлари эса бундай хуносанинг ўринили эканини тасдиқлайди.

Нурчилар “Ислом шариатидан ташқарида бўлган конун-коидалар адолатсиз, шунинг учун хозирда дунёвий давлатларда жазо муддатини утаяётган жиноятчилар айбисиз ва улар зулм остида”, деб хисоблайдилар. Бу каби гояларнинг мазмун-моҳияти хакида гап кетар экан, энг аввало, улар “Хизбут-Таххир ал-исломий” каби диний-экстремистик ташкилотларнинг “Бутуни турмушнинг ёмонлиги, мусулмонларнинг почорлиги сабаби халифанинг ўқлигигида, биз халифаликни ўриятсак, хаёт бутунлай ўзгаради. Бу = жиҳод”, – деган асоссиз чакирикларига мазмунан мос келишини тавъидлаш зарур. Бу “Нурчилик”ning замонавий диний-экстремистик ташкилотлар билан хаммаслак эканини яна бир марта исботлайди.

Айни пайтда, юкоридаги каби карашлар нурчиларнинг мавжуд тузумга нисбатан норозилик кайфиятини уйғотишдек гарзали мақсадлар йўлида хатто жиноятчи элементлар билан хам хамкорлик килинча тайёрлигини кўрсатади.

Маълумки, бутун дунё бўйича ўз жаҳолат тўрини ёйишга интилаётган “Нурчилик” харакати 1990-йилларнинг бошларида Ўзбекистонда хам пайдо бўлган эди. Харакатлари ошкор бўлтач, 1999 йил унинг фаолияти тақиқланниб, мамлакатимиздаги лицейлар фаолияти тутилган эди. Аммо сўнгти пайдада содир бўлган voxеалар улар юртимизда ўз фаолиятини кайта тиклаш йўлида аниқ амалий харакатлар олиб боргандарини кўрсагали. Харакат аъзолари томонидан ташкил этилган ўқув марказлари, газета ва журнallар аникланниб, уларнинг фаолияти тугатилгани хам шундай хулоса чиқариш имконини беради. Шундай экан, ўз гаразли мақсадларини зижмдан амалга оширишга интилаётган нурчиларнинг динимиз асосларини бузин, мамлакатимиздаги миллий бирлик, ижтимоий хамкорлик ва фуқароларро тутувликка раҳна солиши йўлидаги харакатларининг оддини олишга карагилган ишларда фаол иштирок этиш барчамиз ва хар биримизнинг мукаддас бурчимиз хисобланади.

Бу йўлда энг аввало хар биримиздан огоҳлик талаб этишини алоҳида кайд этиш лозим. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ислам байроби остида иш олиб борувчи “Нурчилик” харакати ўз фаолияти усусларини мунтазам тақомиллаштириб бормокда. Жумладан, одамларга психологияк таъсири үтказиш ва харакат ғояларига мойилликни кучайтириш мақсадида “Биз диндан узоклашиб кетдик, агар шуҳолат давом этса, замонамиз ёмонлашиб боради”, деган карашни сингдиришга харакат килимодалар.

“НУРЧИЛИК”НИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ДОЛЗАРВ ВАЗИФАЛАРИ

“Нурчилик” рахнамоларининг бундай гоялари ўз мазмунига кўра ислом таълимотининг моҳиятига буғундай зиддир. Зеро, пайтамбаримизнинг “Замонни сўқманлар, Аллохнинг ўзи замондир”, деган хадислари хам уларнинг гаразли иddaоларига очик-ойдин жавоб бўлади.

Нурчиларнинг юкоридаги каби гоялари хаёт хакикатига кам тўғри келмайди. Хусусан, мустакиллик шарофати туфайли дин ва диний эътиқод бутунлай рад этилган, кишиларни таяниб-сунниб яшайдиган кадрятларидан маҳрум кишишга харакат килган шўро тузуми давридагидан фарғали равишда мамлакатимизда диннинг жамият ва миллат хаётидаги юксак ўрни ва мавзеи тиканди. Юртбошимиз сўзлари билан айтганда “Биз мұқаддас динимизнинг халқымиз тарихидаги ана шундай бекиёс ўрни ва тасирини инобатга олган холда, уни ҳар томонлама тиклаб, хаётимиздан мустахкам ва муносиб ўрни олишига эришилк”.

Бу хаёт ҳакикати эканини аник мисолларда хам кўриш мумкин. Хусусан, мамлакатимизда Рамазон ва Курbon хайтлари умумхалқ байрами сифатида нишонланмоқда, иккни мингдан зиёд диний ташкилот эминн-эркин фаолият кўрсатмоқда, йилига беш минг кинни ҳаж килиш имкониятига эга бўломокда.

Мустакиллик йилларида Куръони карим ва хадислар ўзбек тилида бир неча марта нашр этилди. Бу юк аждодларимиз асарлари она тилимизда чоп этилиб, халқимиз маънавий дунёсининг узвий кисмiga айланди. Ислом маданияти ривожига беназир хисса кўшган кўплаб буюк алломадаримизнинг юбилейлари кент микёсда нишонланди.

Диннинг мавжуд бўлиш, сакланиб копиши ва ривожланиши унинг асосларини чукур эгаллаган кадрларга боғлиқ. Шу нуктаи назардан караганда, мустакилликча бор-йўги иккита диний ўкув юрти бўлган бўлса, ўтган йиллар давомида Уларнинг сони 10 тарағеттанини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ислом Конференцияси Ташкилотининг Гальлим, фан ва маданият масалалари бўйича ихтисослашган тузилмаси (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрига ислом маданияти пойтакти леган юксак ном берилди. Мазкур эътирофда нафакат мамлакатимизнинг ислом цивилизацияси ва маданияти ривожига кўшган хиссаси, балки халқимиз хаётида ислом динига хос коида ва арқонлар, анъана ва қадриятларнинг ўрни хамда мустакиллик йилларида диний эътиқод соҳасида амалга оширилган ижобий ўзаришлар хам инобатга олинганини кайд этиш лозим.

Кайд этилган далиллардан, бир томондан, нурчиларнинг юкоридаги каби идаолари муғлақо асоссизлиги ва хаётий-амалий асосларга эга эмаслиги, иккинчи томондан, уларнинг ўзлари диндан узокланганлари ҳакида хулоса келиб чиқади.

Динга геосиёсий максадларни рӯёбга чиқаришдаги самарали омиллардан бири сифатида қараб келингани тарихдан маълум. Айрим Farb сиёсатчилари ва таҳлилчилари томонидан ишлаб чиқилган “исломдан фойдаланиш” концепцияси хам ана шу асосга курилган. Ислом халқларни эзгуликка, бирлик ва тараққиётта даъват килишини инобатга оладиган бўлсак, “исломдан фойдаланиш” концепцияси ортида аслида исломни

никоб қилиб олган диний-экстремистик харакаттарнинг гарас максадлари ётганини англаш мумкин. Бу “Нурчилик” харакати мусулмон ахоли яшайдиган мамлакаттарда ички бирликни издан чикариш, ижтимоий парокандаликин көлтириб чикариш, диний-ғоявий хукмронликка эришиштага караатилгандан геосиёсий ўйинлардагы “күйирчокка” айланганидан далалат беради.

Нурчилар жамияттинг истикболи бўлган ёшларни ўз ғоялари домига тортишга алоҳида эътибор берадилар. Бунда уларнинг “хайрли” ишларига расмий доираларнинг каршилик кўрсатадиганни, эркин фаолият олиб боришта имкон берилмаётгани туфайли характер махфий ишларнинг ургу бериш, ўзларини фидойи килиб кўрсатиш оркали ишончга кириш билан миллий ва диний кадриятлардан узоқлаштиришга интилиш марказий ўринни эталлайди.

Шундай экан, ёшларимизда нурчиларнинг гоялари динимиз асосларига бутунлай зид экани хакида етари билим ва тасаввур хосил килишга, буюк аждоҳаримиз меросини чукур эгаллашларига эришиб алоҳида ахамият касб этади. Шундагина, мамлакатимиз тараккиёти, халқимизнинг тинч-тотув ва фаровон хаётини, мустакиллитетимизнинг маънавий ва маърифий пойдевори мустаҳкамлагини таъминлаш, уни хар кандай ички ва ташки таҳдидлардан асраб-авайлаш мумкин бўлади.

Ушбу максадларга эришиб шда ёшларни ватанпарварлик рухида тарбиялаш хеч канон ўз ахамиятини йўқотмайдиган масала хисобланади.

Президентимизнинг “Биз хаётга катта орзу-умидлар билан кириб келётгани ёшларимизга бир хакикатни, яни “Эй болам, сенинг Ватанинг битта – барчамизга азиз, бетакор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарингин хоки шу ерда ётибди. Шу мукаддас замин сени дунёга келтирсан, сен уни обод этишининг, химоя килишинг шарт. Нафакат сенинг ўз хаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, она-сингилларинг, ёш гўдаклар, нуроний карияларимизнинг хайти хам ана шу бурчингни нечоғлик адо этишинингтага боғлиқ” деган тушунчани уларнинг қалбига, онгу шуурига сингидиришимиз даркор”, – деган фикрлари бу йўлдаги ёнг муҳим ва устувор вазифа хисобланади.

ЧИРОКСАМ

жонибек А.

жонибек

жонибек Н. Ж.

жонибек

МУНДАРИКА

Сүз боши	3
“Нурчилик” харакатининг келиб чикиши ва эволюцияси.....	6
Харакаттинг ташкилий-мөлчавий асослари ва фаолият	
услублари	14
“Нурчилик”нинг асл можияти	19
“Нурчилик”ни олдини олишининг долзарб вазифалари.....	27

Жамшид АЛИЕВ

ЗУЛМАТ ГИРДОГИ

«Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2009

Мухаррир

Б. Эральев

Мусаххих

У. Иисонбоева

Бадий ва техник мухаррир

А. Камбаров

Сахифаловни

И. Каралжаев

Бошетка 2009 йил 15 декабря рухсат берилди. Бичими $84 \times 108^{1/2}$,
Шартл б.л. 186. Нашр т. 1.82. Адалии 3000 дон. Буюртма № 118,
Бахоси шартнома асосида.

“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа
бирашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011, Тошкент ш. А.Кодирий, 11.